

## ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ МАТБУОТ НАШРЛАРИДА ТАРГИБОТНИНГ АҲАМИЯТИ

Лутфулла Хайруллаевич СУВОНОВ

Мустақил изланувчи

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

муассислигидаги "Янги Ўзбекистон" газетаси

ижтимоий-сиёсий бўлими катта мухбири

## ВАЖНОСТЬ ПРОПАГАНДЫ В ПУБЛИКАЦИЯХ ДЖАДИДСКИХ ПРОСВЕТИТЕЛЕЙ В ПРЕССЕ

Лутфулла Хайруллаевич СУВОНОВ

Независимый исследователь

Старший корреспондент общественно-политического отдела

газеты «Новый Узбекистан» Кабинета Министров Республики Узбекистан

## THE IMPORTANCE OF PROPAGANDA IN THE PUBLICATIONS OF JADID EDUCATORS IN THE PRESS

Lutfulla Khairullayevich SUVONOV

Independent researcher

Senior correspondent of the socio-political department of newspaper "New Uzbekistan" of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan

---

UDC (УЎҚ, УДҚ): 1 (091)

For citation (иктибос келтириш учун,

для цитирования):

Сувонов Л. Х. Жадид

маърифатпарварларининг матбуот

нашрларида тарғиботнинг аҳамияти. //  
Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. —  
№ 3 (38). — С. 206-215.

<https://doi.org/10.36078/1626418864>

Received: May 03, 2021

Accepted: June 17, 2021

Published: June 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

**Аннотация.** Ушбу мақолада Туркистон ўлкасида жадид матбуотининг тутган ўрни, турли йилларда нашр этилган газеталарда хуррият, илм-маърифат ва ўзликни англашга ундовчи тарғибот ишларининг аҳамияти ўрганилди. Хусусан, ўзбек миллий матбуотининг бош газетаси "Тараққий"нинг фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унда нашр этилган мақолалар мавзу кўлами, хилма-хиллиги билан фуқароларнинг билим ва дунёкарашини ошишига хизмат қиласанлиги тадқиқотчи томонидан тахлил қилинди. Шунингдек, мазкур газетада нашр этилган мақолалар хукумат томонидан кескин тазиикқа учрагани, муҳаррир И. Обидийнинг қамоққа олиниш сабабларига тўхталинди. Илмий изланishi жараёнида нафақат "Тараққий", балки унинг давомчиси бўлган "Хуршид", "Шуҳрат", "Тужжор", "Осие" газеталарининг нашр этилиши учун муҳаррирларнинг олиб борган сайд-харакатлари, хизматлари ҳақида ҳам тўхтаб ўтилди. Шунингдек, мавзуни ёритишда 1996 йилдан 2016 йилга қадар химоя қилинган номзодлик ва докторлик ишлари муаллиф томонидан ўрганилди ва мақолада фойдаланилди. Мақоланинг сўнги қисмида жадид матбуотини ўрганиш жараёнидан олинган натижа ва тажрибалар ҳақида якуний холосалар берилди.

**Калит сўзлар:** жадидчилик; маърифат; матбуот нашрлари; тарғибот; зиёлилар; ислоҳотчилик ҳаракати.

**Аннотация.** В данной статье рассматривается роль джадидской прессы в Туркестанском регионе, важность пропагандистской работы опубликованных в разные годы газет, которые влекли за собой независимость, просвещение и самосознание. В частности, особое внимание было уделено деятельности главной газеты узбекской национальной прессы «Тараккий» («Развитие»), в которой исследователем были проанализированы опубликованные статьи, призванные расширить знания и кругозор граждан по разнообразным темам. Также, статья касается причинам ареста редактора И.Обиди, а также причинам сильного давления со стороны правительства к статьям данного издания. В процессе научных исследований, был сделан акцент на вклад и работу редакторов не только издания «Тараккий», но и таких как «Хуршид», «Шухрат», «Тужкор», «Осиё». Также при освещении темы автором были изучены и использованы в статье кандидатские и докторские диссертации, которые были защищены с 1996 по 2016 год. В заключительной части статьи были сделаны выводы о результатах и опыте, полученных в процессе изучения прессы джадидов.

**Ключевые слова:** интенсивность; просвещение; пресс-релизы; пропаганда; интеллектуалы; движение за реформы.

**Abstract.** The article examines the role of the Jadid press in Turkistan territory, the importance of freedom, enlightenment and self-awareness in newspapers published in different years. In particular, special attention was paid to the work of the leading newspaper of the Uzbek national press, "Taraqqiy", in which the articles contributed to increasing the level of knowledge and worldview of citizens have been analyzed. The study touches upon the newspaper articles that were sharply pressured by the government and the reasons for the arrest of an editor I. Obidiy. The efforts of the editors for the publication of the newspapers "Khurshid", "Shukhrat", "Tujjor", "Asia", Progress were considered. Candidate and doctoral dissertations defended from 1996 to 2016 in the coverage of the topic were also studied by the author and used in the article. The last part of the article gives the conclusions about the results and experiences gained from the process of studying the Jadid press.

**Keywords:** intensity; education; press releases; propaganda; intellectuals; reform movement.

**Кириш.** Жадид раҳномаларининг олиб борган таълим соҳасидаги изланишлари ва публицистик фаолияти бўйича бир қанча олимлар номзодлик диссертациясини химоя қилганлар: Сайдов Ё. “Жадид бадий асарлари лексикаси” Филология фанлари доктори (5); Тожибоева М. “Жадид адаблари ижодида мумтоз адабиёт анъаналари”(6) номли докторилик иши; Маҳмудова Г. Т. “Туркистанда жадидчилик ҳаракати ва унинг ахлоқий-эстетик фикр тараққиётига таъсири” мавзусидаги номзодлик иши (3). Жадидлар фаолияти нафақат таълим ва публицистика, балки бозор иқтисодиётини ривожлантиришда ҳам ўз ҳиссасини қўшган. К. Рахимовнинг “Жадидлар иқтисодий ғоялари ва уларнинг бозор муносабатларини ривожлантиришдаги аҳамияти” номли илмий ишида иқтисодий масалалар ўрганилган (4).

Бошқа илмий тадқиқот ишларидан фарқли ўлароқ, мазкур мақолада нафақат жадид маърифатпарварларининг нашрлари,

балки ушбу нашрлар воситасида қай ёсинда тарғибот ишлари олиб борилганлиги, нашрлар тили, мавзуни ёритиш услуби ва ёндашувлари таҳлил этилган. Бу жихатлар мақоланинг илмий янгилигини белгилаб беради. Мақола мавзусининг долзарблиги — жадид матбуотида нашр этилган мақолаларнинг мавзу кўлами, оммага мавжуд муаммони еткизиб бериш маҳорати каби жиҳатларни таҳлил этиш орқали бугунги кун матбуот нашрлари учун зарур бўлган аҳамиятли жиҳатлари ўрганилди. Тадқиқотнинг мақсади — жадид маърифатпарварларининг матбуот нашрларида тарғиботнинг аҳамиятини ўрганиш, таҳлил қилиш ва тажриба ортириш ҳамда бугунги кун матбуот нашрларида кўллаш.

**Асосий қисм.** XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи чорагида тараққийпарвар зиёлиларнинг ислоҳотчилик ҳаракати — жадидчилик вужудга келди. Жадидлар таълимоти — ўз замонасининг ҳақиқий таълимоти бўлиб, бу ҳақида филолог олим, профессор Бегали Қосимов “Миллый уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик” номли китобида қўйидагича фикр билдиради: “... Жадидчиликнинг моҳиятини Миллат ва Ватанни англашдан улар манфаати учун курашишгача бўлган қизғин ва ҳаяжонли жараённи ташкил қилди. Айни пайтда, бу ҳаракат миллатни ҳам тарбиялаб борди. Уни ўз бошига ёғилган ҳар бир оғатни тақдир деб таъбир этишдан таҳлил қилиб, чорасини излай олиш даражасигача кўтарди. Хусусан, жадидларимиз миллатнинг яшамоги, тараққий топмоғи учун, биринчи навбатда, озод, мустақил бўлмоғи лозимлигини, англаб етдилар ва кенг ҳалқни уйғотишига алоҳида эътибор бердилар” (2).

Жадидларнинг асосий мақсади сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин:

- ҳалқни маърифатли қилиш;
- гоявий-сиёсий жиҳатдан етук, келажакни олдиндан кўрадиган ёшларни тарбиялаш;
- уларнинг билим савиясини кўтариш;
- фикр доирасини ўстириш.

Жадид маърифатпарварларининг илк матбуот нашри 1883 йил Боғчасаройда чоп этилган И.Ғаспиралининг “Таржимон” газетаси бўлиб, бу нашрни Туркистондаги Россия империясининг мустамлакачилик зулмига қарши мақолалари билан ўлкада ўзликинглашни бошлаб берган газета сифатида айтиш мумкин. Шунингдек, жадидчилик ҳаракати тарғиботида “Қозон мухбири”, “Юлдуз”, “Вакт”, “Улфат” газеталари ҳам мухим аҳамият касб этди. Туркистондаги жадид матбуоти 1905 йилдан бошланади. Бунга илмий далил сифатида шуни келтириш мумкинки, Авлоний 1905–1917 йилларда Туркистонда 22 газета ва 8 журнал нашр этилганига гувоҳлик берса, 1927 йил Зиё Сайд 1870–1927 йилларда 45 та газета ва 36 номда журнал нашр этилганини таъкидлаб ўтган. Эътиборлиси, юқоридаги матбуот нашрларининг аксар қисми жадид тараққийпарварлари томонидан нашр этилган (11).

Туркистонда жадидчилик матбуотининг тараққиёти 1906 йил 27 июн санасидан бошланади. Мазкур санадан Исмоил Обидий мухаррирлиги остида “Тараққий” газетаси чоп этила бошланган. Жадид маърифатпарварлари Мунаввар қори, Абдулла

Авлонийларнинг “Тарақкий”даги чиқишилари бу газетани халқ ўртасида янада машҳур бўлишида амалий аҳамият касб этди.

“Тарақкий” газетасининг шиори “Нажот: маслакда сабот; тўғриликни ижобат” бўлиб, газетанинг бош мақсади — мустамлакачилик тузумидан озод бўлиш гояси ва миллатни тарақкий эттириш масаласи эди. Жумладан, газетанинг 1-сонида “Гошкентда 14-июнъ” мақоласи нашр этилиб, унда: “Мусулмонларни хурриятга ҳақлари борми? — Йўқ! Қариндошлар юз маротаба йўқ” — мазмунидаги фикрлар берилади. Мазкур фикрларни бериш орқали нашр маърифатсизлик, илмсизлик хукмрон бўлган жамият ҳеч қачон эркинликка эриша олмаслигига ишора қиласди. Ва халқни илм-маърифат билан қуроллантиришга киришади. “Замонавий қурол билан жиҳозланган Россия империясининг армиясига тайёргарликсиз қарши чиқиш халқни бадном этиш билан баробар эканлигини яхши тушунгандар. 1916 йилги халқ қўзғолони Туркистон ўлкасида мустамлака зулмига ва мустақиллик учун олиб борилган курашларнинг энг қудратлиси бўлиб, у оммавий равишда бутун ўлкани ларзага келтирди. Ана шундай оғир ва фожиали дамларда халқ билан бирга бўлган, унинг манфаатларини химоя қилган фидоий кишилар орасида жадид тарақкийпарварлари алоҳида ажralиб турган. Шу пайтга қадар, халқни маърифат орқали уйғотиш, тарбиялаш, тараққиётга етаклаш мақсадида фаол саъй-ҳаракатлар олиб борган жадидлар 1916 йил қўзғолони мисолида халқ қудратини, унинг иродасини ва кураш лаёқатини англаб этиш билан бирга, бу халқни озодликка олиб чикиш, хурриятга эришиш учун курашиш зарурлигини англаб етдилар” (7, 26). Туркистон жадидлари ва миллий гоя тарғиботига аҳамият қаратадилар. Миллий гоя, фалсафий маъносига кўра, бир миллатнинг бирлашуви ва миллий ўзликинанг англаб этишини билдиради. Жадидчилик асосчиларидан бири Исломил Гаспиринскийга кўра, миллий гоя миллат тараққиёти учун зарур ва энг муҳим ишларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган дастлабки пойдеворни яратишни англатади. Унинг фикрича, инсонларни бир гоя остида бирлаштириш натижасида жамиятнинг ҳар бир аъзоси миллат манфаатини ўзининг шахсий манфаати сифатида қабул кила бошлайди; натижада миллатта фойда келтирадиган ҳар қандай жамоат ишдан ҳеч ким ўгирилиб кетмайди (11). Гаспиринскийнинг Туркистондаги энг яқин ҳаммаслаги Беҳбудий эса куйи ва юқори мактабнинг ислоҳ этилиши миллатнинг ислоҳ этилишига олиб келади, деб ҳисоблайди. Унинг таъкидлашича, миллатнинг ислоҳ этилиши бу миллий гоя бўлиб, уни барча тарғиб қилиши керак (8). Миллий гоя тарғиботи учун жадидлар матбуотда фаол бўладилар, уларнинг биринчи матбуоти 1883 йилда ташкил этилган бўлиб, у “Таржимон” газетасидир. Мазкур газета дастлаб Боғчасаройда нашр этилиб, унда чоп этиладиган мақолалар мустамлакачилик зулмига қарши кураш, ўзликинанг бошлаб беради ва бутун туркий дунёга ёйилиб, Туркистондаги Россия империясига қарши курашга ундейди. Газетанинг мавзу доираси хилма-хил бўлган: миллат нима учун жаҳолат, қолоқлик ботқогига ботиб колганлигининг сабабини кўрсатиш, шу орқали уни ғафлат уйкусидан уйғотиш, унга миллий зулм нималигини англатиш, чор Россиясининг мустақиллик сиёсатини очиб ташлаш, қудратли деб келинаётган империянинг

зайф, ожиз жойлари хам борлигини кўрсатиш... Буларнинг барчасини ягона бир ғоя — миллий Озодлик, мустақиллик ғояси бирлаштириб турарди.

1905 йил октябрда “Қозон мухбири”, 1906 йил Аҳмад Ҳоди Мақсудийнинг “Юлдуз”, Фотих Каримийнинг “Вақт”, Петербургда “Улфат” газеталари чиқди. Туркистондаги жадид матбуоти 1905 йилдан бошланади. Авлоний 1905-17 йилларда Туркистонда 22 газета ва 8 журнал нашр этилганига гувоҳлик берса, 1927 йил Зиё Сайд 1870-1927 йилларда 45 та газета ва 36 номда журнал нашр этилганини ёзганди. Юқоридаги матбуот нашрларининг аксар қисми жадид тараққийпарварлари томонидан чиқарилган. Туркистондаги илк миллий газета 1906 йил 27 июнь куни татар тараққийпарвари Исмоил Обидий мухаррирлиги остида чоп этилган “Тараққий” газетаси ҳисобланади. Газета чиқиши муносабати билан Исмоилбек Фаспирали, Абдулла Тўқайлардек йирик тараққийпарварлар табрикномаларини йўлладилар, Мунаввар қори, Авлонийларнинг мақолалари бу газетани халқ ўртасида янада машхур бўлишига ёрдам берди (7, 87). “Тараққий” газетасининг дастлабки нашрида мұхаррир И. Обидий “Тошкент 14 июнь” номли мақоласида барча Туркистон мусулмонларини бирдамликка чакиради, ўзаро келишмовчиликларга барҳам беришга ундейди ва шунга мувофиқ газетанинг шиорини “Нажот: маслакда сабот; тўғриликни ижобат” деб номлайди. Муаллиф мазкур мақола орқали халқни бир бутун яхлит куч бўла олишини, миллатнинг миллат сифатида тараққий этишида бирдамлик ва илм-маърифат ягона йўл эканлиги таъкидлайди. И. Обидий Россия империясида бўлаётган инқилоб ва курашлар натижасида жорий этилаётган демократик ислоҳотлардан илм-маърифатли халқларгина фойдалана олиши мумкинлигини таҳлил қиласди. Газетхонларга “Тараққий”нинг чоп этилиши учун руҳсатноманинг олиниши хам айнан ҳуррият берган эркинликлар самараси бўлди, дейди муаллиф. Мұхаррир И. Обидийнинг мақоласида илгари сурилган ғоялар Туркистон тараққийпарварлари томонидан илиқ қарши олинади. “Айниқса, газета мазкур сонининг 2-3 бетларида Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг “Бизнинг жаҳолат — жаҳли мураккаб” мақоласи босилган. Мақолада “Эски мактаб” деб аталувчи анъанавий мусулмон мактабидаги ўқитиш тизими кескин танқид қилиниб, уни ислоҳ этиш таклифини илгари сурилади. Айни пайтда мақолада дарс бериш методикасига оид замонавий усулларни эгаллаш масаласи хам илгари сурилади” (1, 114). Мунаввар қори Абдурашидхонов мазкур мақоласида миллатнинг тараққий этишида тўсиқ бўлаётган иллатлар ҳамда халқнинг анъанавий ҳаёт тарzinи мушоҳада этади. Мақолада илгари сурилган фикрлар, мушоҳада ва танқидлар Туркистон элини ларзага солади, Мунавварқори мақолалари халқ томонидан севиб ўқилади ва мұхокама қилинади.

“Тараққий” газетасининг 3-сонида нашр этилган И. Обидийнинг “Тошкент 22 июнь” деб номланган мақоласида илм-маърифатни Туркистон келажаги учун ягона нажот йўли сифатида таърифлашдан бошлайди. Бироқ мақола давомида И. Обидий рус инқилоби ва унинг мустамлака халқлари фойдаси учун чиқарилаётган айрим имтиёзларини, қонун қарорларини Туркистон тупроғига ҳам жорий этиш масалаларини мұхокама қиласди. У бу

муаммони очикчасига кўтармайди, чунки газетани очища сиёсий масалаларга аралашмасликка хат берган эди. Шунга қарамай, Туркистон халқининг сиёсий маданиятини ошириш, маълум мақсадлар атрофида ташкилотлар атрофида уюшиш ва сиёсий партиялар зарурлигига аҳамият қаратади (7, 88).

“Тараққий” газетасининг аҳамияти кундан кунга оддий ахоли орасида ҳам ортиб боради, нашр этилаётган мавзу ва муаммолар кишилар дикқат назарига тушади. Газетанинг навбатдаги сонида чор Россиясининг амалдорлари тўғрисида ёзилиб, уларнинг ўзларига қарашли бўлган фуқароларга хизмат қилиш вазифалари эканлиги ҳакида сўз боради. Мамлакатда мавжуд муаммоларни ўрганиш, аҳолини қийнайдиган ҳолатларни бартараф этиш, кусур ва каммчиликларни бартараф этиш чор Россиясининг аркони давлатлари бўлмиш амалдорларнинг халқи олдидағи бурчи эканлиги таъкидланади. Муаллиф томонидан “Аслида ҳам шундайми?” деб савол қўйилади ва қўйидаги изоҳланади: “Хур бўлмиш ва ҳур ҳалқ этилмиш фуқаронинг бу вақтларда асоратга тушдилар. Ер, мол ва мулклари маъмурларга (амалдор) ва бойларга кетиб борди”. Уларнинг ҳаддан ташқари очкўз ва мунофиқликлари оддий ҳалқнинг яшаш тарзини оғирлаштиради, камбағал ва қашшоқлаштириб, ҳолдан тойдиради. “Жами ахлоқи фосида (бузук ахлоқ)ни нашр этадилар... Сулҳ ва дўстлик узра яшамоқни анча маъмурлар йўл бермаюрлар. Жамиятда баъзи бир зотлар мазкур маризлар (иллатлар)га қарши курашишга киришсалар ҳам, бу муқаддас ишга киришмоқлари ила баробар жамиятнинг кўзиндан ғойиб бўлибдилар”(9). Муаллиф амалдор ва бойларга шундай тавсиф беради. Ҳалқни бундай жоҳил маъмурлардан озод этишнинг ягона йўли сифатида ҳалқ танлаган кишини раҳбарликка сайлашни кўрсатади. Газетанинг ҳар бир сонида нашр этиладиган мақолалар мавзу кўлами ҳалқни аста-секинлик билан ўзлигини танита бошлайди, хусусан, “Тараққий”нинг 17-сонидаги бош мақола “Тошканд, 12 август” деб номланиб, унда оддий ҳалқнинг ҳам яхши яшаши, орзуларини амалга ошириши мумкин бўлган фуқаро ва хукумат орасидаги муносабатлар ҳакида ёзилади. “XIX асрда бошимизга тушган воқеаларни қандай баён қилса бўлади? Жаҳолат сабаби кучсиз қолган миллатлар кўрган жабр-зулмлар даҳшатли ва фожиали эди. Ҳукумат одамлари қанчадан-қанча фуқароларни совук қорга ётқизиб, калтакладилар. Бегуноҳ аёлларнинг бошларига буғов солдилар. Бойларга оз, камбағалларга чидаб бўлмас даражада солиқлар солинди. Миллий айирма кучайтирилди, низо “аланг”си кучайди. Қанчадан-қанча йигитлар ўз Ватанидан ҳайдалиб қурбон қилинди. Куч бойлар кўлида, фуқаро уларнинг қули эди. Солиқ тўлай олмаган кишиларнинг моллари тортиб олинди... XX асрга келиб одамларда энди яхши бўлар, деган умид пайдо бўлди. Айни пайтда, айрим зотлар харакати сабабли фуқаронинг кўзи очилди, у ўз ҳолини, ўзлигини англаб, мавжуд вазиятни ислоҳ қила бошлади. Хуррият,adolat талаб қилиб чиқди. Бутун миллатлар биргаликда харакат қилмаганликлари туфайли фуқаролар мағлуб бўлдилар. Истибоддан қутулиш учун харакат қилиб талайгина фуқаролар бюрократларнинг ўқига нишон бўлдилар. Бизнинг мусулмонлар бу вақт нима қилишди? Улар қардошларига ёрдам бердиларми? Ёрдам у ёқда турсин, кўрқиб хоналарига кириб ётиб олдилар.

Мусулмонлар фуқароларга ҳуррият, адолат олиб бермоқчи бўлган зотларга ёрдам бера олмадилар. Нега? Уларнинг ҳуррият ва адолатга эҳтиёжлари йўқми? Эҳтиёжлари бор эди, бўлганда ҳам унча-мунча эмас, улкан эди. Негаки, истибод балолари уларнинг бошларига кўпроқ ёғилмоқда. Биз, мусулмонлар, илм-фандан баҳраманд бўлмай, истибод остида то қиёматгача эзилиб қолаверамизми? Миллий ва фанний мадрасаларни ташкил этмасак, ўзимиз ҳам истибод остида эзилиб йўқ бўлиб кетамиз. Столипин ҳурриятчиларнинг бошига қиёмат кунни солса керак. Бундан буён ҳукумат ота ва болани ҳам бир-биридан айиради. Эй ҳуррият ва адолат, қачон келасан? Бюрократлар ўрнига инсофли одамлар қачон ўтиради? Кўчадаги одамларни “сен социалистсан”, деб номусларини тўқадиган одамлар қачон йўқолади? Ҳозирги ахволдан норозилик туфайли ҳукуматга қаршилик тобора кучаймоқда, забастовкалар (иш ташлашлар) бунга ёрқин мисол. Япония билан бўлган урушда ишга ярамаган тўп-тўфанг, пулемётлар куролсиз ҳалққа қарши қаратилмоқда. Ҳалқ эса истибоддининг маҳв этилмоғини умид қиляпти (1, 119). Мазкур мақола орқали муаллиф реал ҳаётдаги вазиятни тўлалигича жонли таъсирчан ифодалайди. Фуқароларни поймол қилинган ғурури, зўрлик билан тартиб олинаётган ҳақ-ҳуқуқлари учун очиқдан-очик курашга, бирдамликка, илм-маърифатга чорлади. Бундай мақолалар фуқароларни жумбушга келтиради, борган сари Туркистон бўйлаб жадидларнинг ҳуррият учун олиб бораётган курашлари катта қизиқиш ва иштиёқ билан қарши олинади. Газета муҳаррири И. Обидий “Тараққий”ни ҳалқчил бўлишига катта меҳнатлари сингди. Газетада нашр этиладиган эссе, шеърларда ҳам кўтаринки рух, ҳурриятга даъват сезилиб туради. Ҳаттоқи оддий хабарларда ҳам мавжуд тузумга қарши қандай кураш олиб борилётганлигини эҳтиёткорлик билан йўлини қилиб ёзишга ҳаракат қиласди. Фуқаролар меҳри кунсайин газета муҳарририга ортиб боради ва уни “Исмоил тараққий” деб улуғлайдилар. Бу вазият ўлқадаги амалдор ва маъмурларни ҳавотирга сола бошлайди, “Тараққий”ни ўзларига ғов деб биладилар ва унга қарши курашишга киришадилар. “Тараққий” газетаси фаолиятини тугатиши мақсадида “Туркистон вилоятининг газети” бош муҳаррири Н. Остроумов билан биргаликда ҳаракат қилишади. 1906 йилнинг 21 августида “Тараққий” таҳририятида полиция томонидан тинтув ўтказилади, газета нашрининг 20-сонида нашр этилиши учун тайёрланиб кўйилган материаллар олиб кетилади, И. Обидий эса қамоқча олинади. Шу тариқа Туркистон ўлқасининг бош газетаси бўлмиш “Тараққий”нинг нашрларига якун ясалади. Аммо “Тараққий”нинг умри қисқа бўлсада, кейинги газета нашрлари учун ўrnak ва намуна бўла олди (9).

“Тараққий” газетасида тажриба орттирган Мунавваркори Абдурашидхонов меҳнат ва машақкатли саъй-ҳаракатларидан сўнг “Хуршид” газетасининг очилиши мувофиқ бўлади. “Хуршид”нинг биринчи сони 1906 йил 6 сентябрда чоп этилади. Мавзу кўлами: миший туркча, адабий, сиёсий ва мактаб дарслклари ҳакида мақолалар чоп этилади. Шунингдек, керакмас ирим-сиримлар, ортиқча оворагарчиликлар ўрнига фарзандларга диний ва дунёвий

билимлар бериш, уларда мавжуд қобилиятларни аниқлаб чет мамлакатларда таълим олиб келишга ундаиди (10).

“Шуҳрат” газетаси “Тараққий”, “Хуршид” қаби мактаб, таълим, илм-фан ҳақида мақолалар чоп этади. 1908 йил 23 январда “Туркистон мактаблари” номли мақола чоп этилади. Мақолада Россиянинг Куба, Орингбург, Қозон, Уфа ва Буба шаҳарларидаги мадрасаларда дарслар усули жадид билан ўқитилаётгани Туркистон ўлкасидағи мактаб ва мадрасаларда ҳам шу усулда дарсларни бошлиш кераклиги ҳақида сўз боради. Мактабларда шароитни яхшилаш, ўқитувчиларни моддий маблаг билан таъминлаб боришлари учун маҳаллий миллатдан чиқсан бой ва амалдорларга мурожаат қиласди: “Зар ёқали тўн ва медал олмоқ учун қилғон ғайрат ва ҳимматларингизни ўн хиссадан биргина ҳиссасини бўлса ҳам, миллатка ва миллат болаларига сарф қилинган!.. (13).

“Тужжор”, 1907 йил 21 августдан Саид Азимбой, Саид Каримбойлар муҳаррирлиги остида нашр қилина бошлайди. Газета савдо билан шуғулланадиган тоифа одамлари учун мўлжалланган. Муҳаррир газетанинг биринчи сонида нашр қилинадиган мавзулар ҳақида шундай ёзади: “Тараққий” ва “Хуршид” қаби “Тужжор”ни ҳукумат тўхтарут деб ҳеч бир ҳавф этмасун. Чунки “Тужжор”нинг сиёсий ва майший маслаги “Тараққий” ва “Хуршид” маслаги қаби ҳукуматга қаршу ва хлоф эмасдур. Балки Россия давлатининг дўсти тарафчисидур (12). Мазкур газета бутун Туркустон ўлкасида бўлаётган савдо-сотиқ масалаларини, нархлар ҳақида маълумотлар берib боради. Ўз навбати вақти-вақти билан жадидларнинг мактаб масалаларига оид айрим мақолалари ҳам чоп этилиб туради. “Тараққий” ҳукумат томонидан ҳеч қандай тазиикқа учрамади, аксинча газетага бўлган талабгорларнинг камлиги сабабли ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. Яна бир газета “Осиё” 1908 йил Аҳмаджон Бектемиров муҳаррирлигида нарш қилина бошлайди, аммо бешинчи сондан кейин ҳукумат томонидан тугатишга мажбур қилинади.

**Хулоса.** “Тараққий” газетасининг мавзулар кўламини тадқиқ этар эканмиз, миллий жадидлар аҳолидан олинадиган соликлар мавзусида бир қанча чиқишилар қилиб, соликларнинг юрт ва ҳалқ манфаати учун ишлатилмасдан, “золим ишга ва айш-ишратга” сарфлаётганлиги алоҳида мисоллар воситасида ёритилади. Бу мақолаларда муаллиф миллат тараққиёти ёки таназзулга юз тутиши жамиятдаги тотувлик ҳамда ҳалқнинг саводлилик даражаси, илм-маърифатлилиги билан ўлчанишини айтиб ўтади. Демак, жадид даври матбуотини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, жадидлар аҳолини маърифатли қилишда даврий нашрлар орқали илмга тарғибот қилиш йўлидан борган. Жадидлар марифатпарварларининг жасоратини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Чор Россияси томонидан зулматга айлантирилган Туркистон ўлкасини ёруғликка олиб чиқишнинг ягона йўли фуқароларнинг сиёсий билимини оширишда деб биладилар ва бунинг учун матбуотдан самарали фойдаланадилар. “Тараққий”нинг ёпилиши, И. Обидийнинг қамоққа олиниши матбуот ишига якун ясай олмади. Жадид зиёлилари хуррият йўлида давом этдилар, бунинг исботи сифатида “Хуршид”, “Шуҳрат”, “Тужжор”, “Осиё” газеталарини келтириш мумкин. Жадид матбуотининг энг катта

ютуғи, замон оғир бўлишига қарамай ҳақ сўзни баралла айта олганлиги ва оммага ўз таъсирини ўказгандигидадир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Дўстқораев Бойбўта. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. — Тошкент: F.Гулом номидани нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. — 378.
2. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. — Тошкент: Маънавият, 2002. — 344 б.
3. Маҳмудова Г. Т. Туркистанда жадидчилик ҳаракати ва унинг ахлоқий-эстетик фикр тараққиётига таъсири / фалсафа фанлари номзоди — Тошкент. 1996 — 158 б.
4. Рахимов К. Жадидлар иқтисодий ғоялари ва уларнинг бозор муносабатларини ривожлантиришдаги аҳамияти. Иқтисод фанлари илмий даражасини олиш учун. — Андижон. 2010. — 148 б.
5. Сайдов Ё. Жадид бадиий асарлари лексикаси Филология фанлари доктори. — Тошкенит, 2018. — 282 б.
6. Тожибоева М. Жадид адилари изходида мумтоз адабиёт анъаналари. Филология фанлари доктори. — Тошкент, 2017. — 248 б.
7. Ҳасанов Б., Каримов Н. Жадид маърифатпарварлик ҳаракатининг ғоявий асослари. — Тошкент: Тошкент ислом университети, 2016. — 216.
8. “Самарқанд” газетаси 1913 йил 30 июль.
9. “Тараққий” газетаси 1906 йил 16-сон
10. “Тараққий” газетаси 1906 йил 17-сон
11. “Таржимон” 1886 йил 13–14 сонлар.
12. “Тужжор” газетаси 1097 йил 21 август 1-сон
13. “Шуҳрат” газетаси 1908. 23 январ.

#### **References**

1. Dustkoraev B. *Uzbekiston zhurnalistikasi tarikhi* (History of journalism of Uzbekistan), Toshkent: G.Gulom nomidani nashriet-matbaa izhodii uii, 2009, 378 p.
2. Kosimov B. *Millii uigonish: zhazorat, ma'rifat, fidoililik* (National awakening: courage, enlightenment, self-sacrifice), Tashkent: Ma'naviyat, 2002, 344 p.
3. Mahmudova G. T. *Turkistonda zhадидчилик ҳаракати ва uning akhlokii-estetik fikr tarakkietiga ta'siri* (Accelerated movement in Turkistan and its impact on moral-aesthetic thought Development), candidate's thesis, Tashkent, 1996, 158 p.
4. Rakhimov K. *Zhadidlar iktisodii ғoyalari va ularning bozor munosabatlarini rivozhlantrishdagi aҳamiyati* (The economic ideas of the jadids and their importance in the development of market relations), candidate's thesis, Andizhon, 2010, 148 p.
5. Saiidov E. *Zhadid badiii asarlari leksikasi* (Lexicon of Jadid's artistic works), Doctor's thesis, Tashkent, 2018, 282 p.
6. Tozhiboeva M. *Zhadid adiblari izhodida mumtоз adabiet an"analari* (Traditions of classical literature in the activity of Jadid creators), Doctor's thesis, Tashkent, 2017, 248 p.

7. Hasanov B., Karimov N., *Zhadid ma"rifatparvarlik harakatining goyavii asoslari* (Ideological foundations of the accelerated Enlightenment movement), Tsshkent: Tashkent islom universiteti, 2016, 216 p.
8. *Samarkand* newspaper 1913, 30 iyul'.
9. *Tarakkii* newspaper, 1906, No.16
10. *Tarakkii* newspaper, 1906, No.17.
11. *Tarzhimon* newspaper, 1886, No.13–14.
12. *Tuzhzhor* newspaper 1097, No. 1.
13. *Shuhrat* newspaper 1908, 23 yanvar.